

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР- ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Профессор:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Психиатрия ва наркология” кафедраси

Доцентлар:

Тиббий профилактика факультетига қарашли “4-5 курслар акушер гинекологияси” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Умумий ва радиацион гигиена” кафедраси

Катта ўқитувчилар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Педагогика ва психология” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш” кафедраси

Ассистентлар:

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Юқумли ва болалар юқумли касалликлари” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Фтизиатрия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Психиатрия ва наркология” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Ижтимоий фанлар” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиена” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Эпидемиология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ жарроҳлик” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ тайёрлаш эндокринология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Анестезиология ва реаниматология” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Асаб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “Факультет ва госпитал терапия ва касб касалликлари” кафедраси

Даволаш факультетига қарашли “УАШ акушерлик гинекология” кафедраси

ОМХ факультетига қарашли “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Тошкент Тиббиёт Академияси ректорати ва касаба уюшмаси Патология кафедраси мудири профессор Ҳасан Турсуновга акаси **Бахтинур ТУРСУНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Topshirish vaqti: 14.00



2016 йил — Соғлом она ва бола йили

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ ФАРЗАНД– СОҒЛОМ АВЛОД

Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш Шарққа, ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир. Аёлларга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромнинг яна бир сабаби шундаки, аёл – аввало ҳар бир инсоннинг бешигини тебратадиган, оқ сuti билан унинг юрагига одамийлик фазилатларини сингдирадиган, уни ҳаёт бўронларидан асраб-авайладиган фидойи инсондир.

Президентимиз И.Каримов ўзларининг Конституциямизга бағишланган тантанали мажлисда сўзлаган нутқларида шундай деган эдилар: “Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш, иззат-икромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш – давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг, жойлардаги ҳокимликларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим”.

Дарҳақиқат, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини ошириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни во-яга етказиш–давлатимиз олдида турган энг устувор вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Соғлом насл – соғлом жамият асосини ташкил қилади. Соғлом жамият ва соғлом насл эса соғлом турмуш тарзи замирида вужудга келади. Давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳам ёшларни соғлом оилавий ҳаётга тайёрлаш, ибратли соғлом оилавий муносабатларни шакллантириш, оилалар барқарорлиги, мустақамлигини таъминлашда оила, никоҳ, эр-хотин муносабатлари муаммоларини ўрганиш, оила аъзоларининг сиҳат-саломатликларини сақлаш саналади. Шу боис муҳтарам Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгил-мас куч” асарига “... ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлмиш оилани мустақамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим” деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

(Давоми 2-бетда.)


ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли, муҳтарама профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-қизлар! Сизларни яқинлашиб келадиган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз.


Айтиш жоизки, Тошкент Тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни аёлларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳақиқатан юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнатилган арзийдиган талаба-қизларимиз сафи йил сайин ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Биз албатта бундай ёшларимиз билан фахрланамиз.

Қадрли устоз-мураббийлар, опа-сингиллар! Сизларнинг барчангизни гўзаллик ва нафосат айёмингиз билан яна бир бор қутлаймиз. Сизларга мустақам соғлиқ, гўзаллик, оилавий бахт, хонадонингизга файзу барака тилаймиз. Илмий ва ижодий фаолиятингизда, ўқишларингизда улкан ютуқ ва омад ёр бўлсин.

Ректорат



Аёл борки олам мунаввар.



2016 йил — Соғлом она ва бола йили



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республикамизда ёшларни, хусусан, қизларни мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича концептуал асос яратилган бўлиб, унинг бош мезонлардан бирини қизларни оилавий турмушга тайёрлаш, шу жумладан соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббий маданиятини юксалтириш, мунтазам равишда спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратиб бериш кабилар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, ҳар томонлама баркамол авлодни ҳаётга келтириш ва шакллантириш мақсадида жамоатчиликнинг тиббий маданиятини ва саводхонлик даражасини оширишга қаратилган қатор қарорлар қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорларнинг ҳар бир банди ёшларимизнинг, айниқса, қизларимизнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, уларни оилага тайёрлаш, соғлом оилани шакллантириш учун замин бўладиган чоралар асосида тузилган. Ушбу дастурларда “Соғлом она — соғлом бола” ҳаракатини ривожлантириш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш муҳим йўналишлардан бирига айланган. Бу борада ТТА ёшлари

ўртасида талайгина хайрли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий онгини янада ошириш мақсадида Олий таълим муассасалари талабалари, ўрта мактаб ўқувчилари, маҳалла аҳолисининг тиббий онглари ошириш бўйича семинар-учрашувлар ўтказилди. Ўтказиладиган тарғибот ишларига ТТАда таҳсил олаётган юқори босқич — 7-курс талабалари ҳам жалб этилди. 2015 йилнинг январь ойидан йилнинг декабрь ойига қадар бўлган муддат ичида ТТА ходимлари, профессор-ўқитувчилар, юқори курс талабалари иштироки-

мунтазам равишда спорт билан шуғулланиш, овқатланиш, кийиниш гигиеналарига ва муомала одатларига риоя қилишни шакллантириш мақсадида талаба қизларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш мақсадида турли тадбирлар, давра суҳбатларини амалга оширишни режалаштирдик. Масалан, Республика Саломатлик ва тиббий статистика институти мутахассислари, Тошкент шаҳар СПИД маркази мутахассислари, Тошкент Тиббиёт академияси кафедраси профессор-ўқитувчилари иштирокида талаба қизлар ўртасида

“Ўзбекистонда оила манфаатлари — давлат сиёсатининг устувор йўналиши”, “Баркамол авлод — оила ва жамият таянчи”, “Никоҳ ёши ва унинг атрофидаги муаммолар”, “ОИТСдан сақланинг: имконият-

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД—СОҒЛОМ АВЛОД

лар Тошкент шаҳри бўйича 350 дан ортиқ учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Йил давомида соғлом турмуш тарзи тарғиботи оммавий ахборот воситалари, телевидение ҳамда радио орқали суҳбатлар уюштирилди.

Барчамизга маълумки, қизларни соғлом оналикка тайёрлаш учун авваламбор онанинг ҳомиладорлик вақтидаги соғлиги, қиз болани болалик даврида чинқириш, юқумли, яллиғланиш ва бошқа касалликлардан сақлаш ёки касалликни даволашни охиригача олиб бориш ҳамда ўсмирлик даврида ўз вақтида тиббий кўрик ўтказишда улар орасида учрайдиган хавфли гуруҳларни аниқлаш ва уларни мутахассислар томонидан ўз вақтида соғломлаштириш муҳим аҳамиятга эгадир.

“Соғлом она ва бола” йилида талаба қизларда соғлом турмуш малакалари, ўз саломатлигига нисбатан масъулият, жавобгарлик хисси, ғамхўрлик, турли зарарли одатларга ружу қўймаслик,

лар ўз кўлимизда”, “Ёшлар ва репродуктив саломатлик”, “Йод танқислигининг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Анемия ва унинг олдини олиш”, “Тери таносил касалликлари ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Сил тарқалганлик ҳолати ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари”, “Соғлом турмуш тарзи йўналишлари” каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар режалаштирилди.

Ўтказиладиган тадбирлар талаба қизларни соғлом турмуш тарзи асосида оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом оилани вужудга келтириш, ҳар томонлама баркамол авлодни шакллантириш, уларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббий саводхонлик даражасини оширишга хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Қ.НИЗОМОВ,
“Тиббиётнома” Махсус мухбири
Л.Қ.АБДУҚОДИРОВА,
ТТА ХҚҚ раиси

Донишманд халқимиз азал-азалдан бағри кенглиги, меҳр-оқибати ва юксак маънавияти билан дунёга машҳур бўлган. Бу умуминсоний қадриятларга асрлар давомида жило берган. Ўз тафаккури, ноёб истеъдоди билан бағри кенг танти ўзбек халқи неча минг йиллар давомида улкан марраларни забт этган.

Умуминсоний қадриятлар бардавомлиги эса дунёда ноёб институт сифатида тан олинган маҳалла билан боғлиқдир. Маҳалла кишининг ижтимоий муносабатларининг дастлабки дебочаси бўлиб хизмат қилади. Инсон дастлаб, тетапоёни, тафаккурнинг илк ривожланиш босқичини албатта оиладан олади. Оила — халқимиз учун муқаддас гўшадир, ажиб анъаналар, қадриятлар бешиғидир. Донишманд халқимизда “Маҳалла—ҳам ота, ҳам она”, — деган ақида мавжуд. Дарҳақиқат, кишининг ўзаги маҳаллада шаклланади. Қадриятлар, анъаналар ҳамда уф-одатлар андозасида камол топади.

Бугунги кунда ўз-ўзини бошқариш органи ҳисобланган маҳаллада, азалий қадриятлар: ҳашар, қарияларни эъозлаш, ёшларга андоза бўлиш каби миллий умуминсоний қарашларга нисбатан ҳурмат туйғуларининг шаклланиш ўчоғини кўраимиз.

Бу борада куни кеча Тошкент Тиббиёт академиясидаги барча факультетлар ва курсларда таҳсил олаётган талабалар орасида намойиш этилган “Қиёматга қолган қарз” номли фильм фикримизнинг яққол намунаси бўлади десак муболаға бўлмайди.

Бугун чет элга чиққан фарзандлар тақдирига бефарқ бўлиш, совуққонлик билан муносабат билдираётган ота-оналар пушаймони фильм асосида ибрат қилиб кўрсатилди.

Энг катта хато — бефарқликдир! Дастлабки инсон тафаккури тамал тоши, албатта, оиладан бошланади. Оиладаги соғлом муҳитни ота-она шакллантиради. Оиладаги таълим-тарбия муассасаси, маҳалла ва жамоатчилик муносабатларининг узвий боғлиқлиги асосида жамият сайқалланади.

Халқимизда, “Гуруч курмакис бўлмайди”, — деган ибора мавжуд. Бугун фарзандини чет элга юбориб, унинг тақдирига бефарқ бўлиб,

ёт оқим доирасига кирган, она Ватанига хоинлик қилган ноқобил фарзанди деб ўзи қизарган, боши эгилган ота-оналар ҳам бор. Уларнинг юзига иснод, уят тамғасини бефарқликлари туфайли ана ўша хоин фарзандлар босди. Қадрини букди, эл-юрт орасида шарманда қилди. Ўзбекистондек жаннатмакон юртдан чиқиб, қўлига қурол тутиб хоинлик қилиш бу қабих инсонларнинг икки дунёсини залолатга ботирди десак муболаға бўлмайди.

Азалдан дунёни лол қолдирган бу—она Ватанимиз бефарқларни кечирмайди. Ноқобил ватанфурушларни эл-юрт лаънатлайди. Ҳеч кимни ноқобил фарзанднинг дастидан дод дегулик қилмасин.

Халқимизда “Бир болага—етти қўшни ота-она” деган қадимий ҳикмат мавжуд. Бу ҳикмат остида не-не инсонларни ўйлантираётган ҳақиқат бор.

Ҳақиқат, огоҳ бўлиш! Мен, сен, бизлар — бир оила шу БАТАНнинг фарзандларимиз. Бугунги кун ёшлари, албатта, тартиб — интизомнинг энг зўр мактаби бўлмиш оилада камол топаётгилар.

ҚИЁМАТГА ҚОЛГАН ҚАРЗ

Бугун ватанфурушлар муқаддас динимизни ниқоб қилиб, ўз ғаразли ниятлари билан халқ номини булғаяптилар. Россияга, Туркияга ва бошқа хорижий давлатларга ишга кетаялман деган ниқоб остида Сурия жангариларига қўшилиб қўлга қурол тутиб хоин деган тавқи лаънатга дучор бўлаяптилар, бундай ёшлар орасида айрим олий ўқув юрти талабаларини кўриш азобли оғриқдир.

Улар бу залолатга қандай ботдилар? Бефарқлик! Бефарқлик бу саволнинг жавобидир.

Дунё тамаддунининг бешиги бўлган не-не алломалар юрти бўлган бу масканда хоинларга жой йўқдир. Уларнинг тубанлиги, орсизлиги, юзсизлигини халқ, эл-юрт кечирмайди. Ватан олдидаги хизмати елкасида улкан қарз бўлиб қолади. Зеро, бу қарз қиёматга қолган қарзидир.

Огоҳ бўлайлик, ҳа азизлар, ОГОҲ БЎЛАЙЛИК! Огоҳлик — ҳозирги кундаги давр талабидир!

Н.НУРИЛЛАЕВА,

УАШт клиник аллергология кафедраси мудири

ТЕРРОРИЗМ АСР ВАБОСИ

“Террор”- (terror) атамаси латин тилидан олинган бўлиб, “қўрқув”, “даҳшат” маъносини англатади. Терроризм — жамиятда беқарорлик келтириб чиқариш, аҳолининг кенг қатламларида ваҳима ва қўрқув уйғотишга қаратилган сиёсий курашнинг ўзига хос усулидир.

Терроризмнинг энг асосий хусусиятларидан бири “зўрлик давлатни қулатувчи ва ҳокимиятга эришишни осонлаштирувчи парокандаликка олиб келади”, деган ғояга асосланиб ҳаракат қилишидир. Иккинчи хусусияти ҳеч қандай уруш бўлмаётган, тинчлик ҳукмронлик қилаётган, жамиятда демократик институтлар фаолият кўрсатаётган бир шароитда муқобил усулларни атайин инкор этган ҳолда, сиёсий масалаларни зўрлик йўли билан ҳал қилишга интилишда кўринади. Ҳозирги даврда террор ўзининг қўламини, мақсади, турли воситалари жиҳатидан муайян бир давр, тарихий шароит, мамлакат, шахсга

қаратилганлиги билан ҳар қандай чеғарадан чиқиб, халқроқ миқёсда ижтимоий ҳодисага айланиб бормоқда.




Инсоният тарихида сиёсий террорнинг дастлабки шаклланиши 1917 йил Россияда октябрь тўнтаришидан кейинги йилларда большевиклар томонидан юритилган ички сиёсатида кўриш мумкин. Терроризм турли шаклларда намоён бўлади. Сиёсий терроризм, иқтисодий терроризм, ижтимоий терроризм, информацион терроризм, диний терроризм, миллатчилик терроризми. Аммо улар қандай шаклларда намоён бўлмасин, уларнинг мазмун моҳияти битта — маънавий таназзул ва ғайринисонийлик.

Халқаро терроризм давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партия ва ҳаракатларни беқарорлаштиришга қаратилган сиёсий кўпуровчилик фаолиятини ифодалайди. Энг асосий белгилари: 1) Халқаро ҳуқуқ ҳимоясидаги объект ва субъектларга қарши қаратилганлиги; 2) давлатлар чеғараларини бузиш орқали

амалга оширилиши; 3) аъзолари икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролари, шу жумладан, ёлланма шахслар бўлган экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши; 4) экстремистик гуруҳлар таркибида кўпуровчилик ҳаракатлари бўйича хорижлик йўриқчиларнинг қатнашиши; 5) экстремистик гуруҳ аъзоларининг бошқа давлатлар ҳудудида ташкил этилган махсус лагерларда тайёргарлик кўриши; 6) тайёргарлик кўриш ва кўпуровчиликни содир этишда хорижий давлатлар ва экстремистик уюшмалар ёрдамидан, халқаро тус олган ноқонуний қурол-яроғ савдоси, наркотикидан келадиган молиявий манбалардан фойдаланиши.

Исломи дини никоҳи остидаги экстремистик, террористик ғоялар ва мақсадларнинг аниқ мазмуни “Толибон”, “ИШИД” ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда. Террористик ташкилотларнинг юқоридаги хусусиятлари барчамизни ҳушёрликка, ҳар жиҳатдан ақл-идрок билан иш тутишга ундайди.

Д.Т.НОРҚУЛОВ,
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, профессор





ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙУЛИДА

Мустақилликнинг биринчи йиллариданоқ ёш авлоднинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлайдиган даражада мустаҳкам билим ва кўникмаларга эга бўлишига эришиш давлатимиз раҳбари ва ҳукуматининг асосий вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Давлат сиёсатининг бу йўналиши ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблиги ва устуворлигини йўқотмаган. Бунга охириги йилларда таълим тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим муассасаларини замонавий информацион техника ва ўқув анжомлари билан таъминлашга қаратилган бир қанча қарорлар ва уларнинг бажарилиши мисол бўла олади.

Олий таълим тизимига бўлган алоҳида эътибор мисоли сифатида давлат раҳбари томонидан 2011 йилнинг 20 майида қабул қилинган “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533–сонли қарорини келтириш ўринлидир. Ушбу қарордан кўзда тутилган асосий мақсад нафақат олий таълим тизими муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, балки олий малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлаш стандартларини такомиллаштириш, олий таълим тизими ва замонавий юқори технологияларга таянган илмий изланишлар ўртасида барқарор алоқалар ўрнатишдан иборат. Амалга оширилиши 2011–2016 йилларга мўлжалланган бу қарор олий таълим тизимидаги мавжуд муаммоларни аниқ йўналтирилган дастур асосида босқичма-босқич ҳал этишга қаратилган ва бу мақсадлар учун Республика ҳукумати томонидан 277,1 млрд. сўм маблағ ажратилган. Ушбу дастурга Республикадаги 19 етакчи

олий таълим муассасалари киритилган бўлиб, улар қаторида Тошкент Тиббиёт академияси ҳам бор.

Қарорда илмий изланишлар савиясини жаҳон андозалари даражасига кўтариш, изланиш натижаларининг инновацион қийматини ошириш ва бу жараёнларга изланувчан талаба ёшларни фаол жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган. Айнан шу вазифаларни рўёбга чиқариш учун соҳалардаги етакчи олий таълим муассасалари қошида замонавий муассасалараро илмий текшириш лабораторияларини ташкил этиш кўзда тутилган эди. Академиямизда ана шундай лаборатория ташкил этилди.

Лабораториянинг асосий мақсади жаҳондаги етакчи илмий марказлар даражасидаги тиббий-генетик, молекуляр-хужайравий, морфологик, фармакологик ва биологик изланишларни ташкил этиш ва амалга ошириш. Тиббий соҳада ягона бўлган бу лаборатория нафақат академия миқёсида фаолият юритиб қолмай, балки Республикадаги барча муассасаларида олиб борилаётган изланишларни мувофиқлаштириш, уларнинг илмий-услубий базасини таъмин-

лаш вазифасини бажаради. Мазкур лабораторияни жаҳондаги етакчи компанияларнинг энг сўнгги текшириш ускуналари билан жиҳозлаш мақсадида ҳукумат маблағлари ва халқаро молия ташкилотларининг 3,4 млн АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари ажратилган.

Ёшларни талабалик йилларидан мустақил фикрлашга, ўз олдига аниқ вазифалар қўйишга ва уларни ҳал этишга ўргатиш, сўзсиз келажақда рақобатбардош юқори малакали мутахассис тайёрлаш гарови бўлади. Сўнгги уч йилда бакалаврлар қаторидан лаёқатли талабалар ёзги амалиётни лаборатория базасида ўтишмоқда. Шунингдек, тиббий-биологик ва бир неча клиник кафедраларда тақсил олаётган магистрлар илмий изланишларини амалга оширишмоқда. Улар нафақат замонавий асбоб-ускуналарда ишлаш, балки натижаларни илмий таҳлил қилиш асосларини ҳам ўрганишмоқда.

Амалиёт давомида олинган изланишлар натижаларини илмий нашрларда чоп этиш имконига эга бўлишмоқда. Айрим талабаларимиз ва магистрларимиз Голландия, Италия, Германия, Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда муваффақиятли иштирок этишди. Бу эътироф лабораториядаги илмий ишлар замонавий талаблар даражасида амалга оширилишидан далолат беради.

Б.У.ИРИСКУЛОВ,
ТТА қошидаги муассасалараро илмий текшириш лабораторияси раҳбари, т.ф.д., профессор

УМРБОҚИЙ СИЙМОЛАР

“Инсон азиз — хотираси муқаддас” дея халқимиз бежизга айтишмаган. Тошкент Тиббиёт академияси маънавият-маърифат бўлими томонидан ўтказилиб келинаётган “Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари” мавзусидаги навбатдаги 2 туркум тадбир ТТА ректорат мажлислар залида бўлиб ўтди. Ўзбекистон дунё бўйича тарихда ўз ўрнига, ўз нуфузига, обрўйига эга. Қолаверса, тиббиёт соҳасида ўзининг улкан ва машаққатли меҳнати билан ўзининг ортидан яхши ном қолдирган, хотирасини ёд этишга арзийдиган инсонлар жуда ҳам кўп. Ана шундай инсонларнинг босиб ўтган ҳаёт йўлларини жуда катта ҳурмат ва эҳтиромда ёд олишлик эса биз учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ўйлайман.

Шу боис академиямизда анъана тусини олаётган “Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари” мавзусидаги ушбу семинар ҳам жуда катта ҳаяжон ва таассуротлар билан ўтди. Тадбир бошланишида меҳмонларимиз мажлислар залига киришда ушбу улуг сиймолар ҳақидаги маълумотлар билан танишиб чиқдилар. Академиямизнинг иқтидорли талабалари томонидан яратилган расмлар кўргазмаси эса тадбирга нисбатан янада қизиқиш уйғотди.

Тадбирга 4 та тиббиёт ходимининг ҳаёти ва фаолиятини экс этриш қўйилган. Кўп йиллар меҳнат қилиб, ўз илмий ва амалий ижоди билан давлатимиз олдида, халқимиз олдида, қолаверса тиббиёт оламида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган олим ва устозларимизнинг ҳаёт йўлларини академиямизнинг иқтидорли талабалари ўзларининг инглиз тилидаги маърузалари орқали янада очиб бердилар. Қолаверса, ушбу буюк инсонларнинг ҳаёти ва ижодини ёритишда талабаларимиз бевожута ўзлари изланишлар олиб бордилар. Уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва тиббиёт соҳасида эришган ютуқлари бўйича, меҳнат фаолиятлари бўйича кенг ҳамда кўпгина маълумотлар тўплаб, буюк аждодларимизнинг тиббиёт соҳасида ўчмас из қолдиришларига эришдилар, десак ҳато бўлмайди.

Академик Ялқин Холматович Тўрақулов — “Инсон фикрлаш ва ҳаракатда бўлиш учун яратилган”, академик Ўктам Орипович Орипов — “Йирик илмий мактаб асосчиси”, академик Комилжон Аҳмаджонович Зуфаров — “Буюк устоз изидан”, академик Восит Воҳидович Воҳитов — “Умрбоқий сиймо” деб номланган маърузалар билан, даволаш факультетининг 2-босқич талабаси Дилдора Шомирзаева, тиббий педагогика факультети 4 ҳамда 5-босқич талабалари Дилнора Эшмуродова, Дилафруз Худойбергенова, тиббий профилактика факультети 2-босқич талабаси Мадина Азимовалар томонидан маъруза қилинди. Агар маърузаларга эътибор қаратадиган бўлсак барчасида чуқур бир маъно акс этгандек гўё. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар даврида, “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг ижросини таъминлаш мақсадида шу каби тадбирларнинг ўтказилиши нафақат ушбу инсонларга, балки ёшларга ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, юртимизда ёшлардан тортиб, ёши улуг кексаларимизга ҳам жуда катта эътибор билан қараш одатий ҳолга айланиб қолган.

Тадбир сўнггида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олиш билан бирга, ушбу улуг инсонларга янада катта ҳурмат ва ўзларининг олдиларига катта мақсадлар қўйдилар.

“Тиббиётнинг барҳаёт сиймолари” тадбири жуда мазмунли ва чуқур ҳаяжон билан ўтди.

Н.Х. АБДУРАҲМОНОВА,
ТТА Олий маълумотли ҳамшира факультети маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎЛАМИ

Инсон ҳамма вақт информацион маконда яшайди. Шахс, суръат, китоб, газета ва журналлар, радио, телевидение, телефон, телеграф, интернет тармоғи — ахборот олиш манбаи бўлиб хизмат қилади. Худди шунингдек, халқ, давлат, инсоният ҳам информацион тизимлар ҳисобланади.

Дунёда табиий ахборот тизимларининг имкониятлари ошиши билан ўқ отар қуролларнинг ўрнига ахборот қуролларига талаб кучайди. Чунки тизимни йўқотишдан кўра уни керакли тарзда қайта шакллантириш арзонга тушади.





Ахборот технологиялари қанча ривожлангани сари инсон тафаккурини ўзгартириш, қайта дастурлаштириш шунча арзон ва самарали бўлиб бормоқда. Замонавий ахборотнинг энг таъсирчан воситаларидан бирига айланган Интернет тармоғи — инсон ақл-заковатининг маҳсули. Киши билимини оширишда, дунё янгиликларидан хабардор бўлишда, хат юбориш, олиш, бизнес ишида ҳамкорлик ўрнатиш, илмий-ижодий фаолиятда ва бошқа кўплаб мақсадларда, ҳеч шубҳасиз, унинг аҳамияти бекиёс. Лекин, шу билан бирга, энг катта ахборот хуружлари Интернет орқали амалга оширилаётгани ҳам унутиб бўлмайди. Бу тизимга истаган одам тўғри ёки ёлғон маълумотларни киритиши мумкин.

Бугунги кунда ёшларнинг аксарияти ундан фойдаланяпти, бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказяпти. Бу қувонарли, аммо кишини ташвишга соладиган томони шундаки, ёшларимиз бизнинг эзгу ғояларимизга қарши бўлган баъзи бўхтон гаплар, ахлоқсизлик, беҳаёлик иллатларини Интернет орқали қўриб, билиб-билмай уларнинг таъсирига берилиб ҳам қоляпти. Айниқса, турли парно сайтлар ёшларнинг онгини бузишга қаратилган ахлоқсизлик хуружи экани шубҳасиз. Интернет ўйинларига мўлжалланган шохобчаларда кўп ҳолларда жангари, одам ўлдиришни тарғиб қиладиган ўйинларни ўйнаётган мактаб ўқувчиларини учратамиз. Бундай ҳолатлар ҳаммамизни ташвишга солиши керак.

Аммо, биз мухтарам Президентимиз “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобларида таъкидлаганларидек, “болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.”

Шу ўринда ёшларда миллий мустақил тафаккурни, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш, уларда ахлоқий маданиятни ва Интернетдан тўғри фойдаланиш маданиятини ошириш, шунингдек, паст савияли “оммавий маданият”нинг кириб келишига қарши курашишга доим иммунитетни шакллантиришга қаратилган, ҳар томонлама қўлайликларга эга “ZiyoNET” портали яратилган бўлиб, унда қуйидаги: Таълим, Абитуриент, Имкониятлар, Кутубхона, Сайтлар, Арбоблар, Тадбирлар, Муассасалар бўлимлари мавжуд.

Б.Ю.АБДУҚОДИРОВА,
Олмасор тиббиёт коллежи информатика ўқитувчиси



Аёлларсиз ҳаётни, тараққиётни тасаввур қилиб бўлмайди. Улар жамиятнинг тақачи кучлари, моҳир ва уddaбурун мураббийлари, меҳрибон ва оқила тарбиячиларидир. Аёлларни қанча улуғласак, ҳаётимизнинг чироги, умримизнинг гули деб эъозласак, демакки, оиламизни, Ватанимизни эъозлаган бўламиз.

Ислам КАРИМОВ

Жамиятнинг қай даражада ривожланганлигини билишни истаган, уни аёллар ва болаларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан англасанг бўлади. Жамият қанчалик бой бўлса, у ўз юртидаги болалар ва аёлларга шунчалик ғамхўрлик қилади. Ҳақиқатдан ҳам юртимиз мустақилликка эришган ilk йилларданоқ аёллар ва болалар саломатлигига бўлган эътибор сиёсат даражасига кўтарилди. Оила қуриш, она бўлиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, болани ҳар томонлама соғлом, интеллектуал етук инсон қилиб тарбиялаш – бу улкан бахт дея ўқтирилди.

Ҳозирги кунда жамиятимизда аёл кишига бўлган эҳтиром жуда улуғланади. Бежиз эмас, Президентимиз томонидан Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги мавқеини ошириш ҳамда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган.

Президент Фармонига биноан Республика хотин-қизлар кўмитаси раисига – Бош вазир ўринбосари, вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар кўмиталари раисларига

эса ҳоким ўринбосарлари мақоми берилган. Аёлларга бўлган юксак эъоз ва эътиборни ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўлаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганлигида ҳам қўриш мумкин. Ёш қизларимизнинг маънавий савиясини юксалтириш мақсадида Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия мукофоти ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятларга яна бир далилдир. Аёлларимиз жамиятимизнинг кўп қисmini ташкил этади, агар статистик маълумотларга назар солсак, жумладан, республика аҳолисининг 51 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, қишлоқ ҳўжалигида 39 фоиз, илм-фанда 37 фоиз, халқ ҳўжалигида 42 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 73 фоиз, халқ таълимида 65 фоиз хотин-қизлар фаолият кўрсатар экан. Республикаимизда олий ва ўрта махсус таълимга эга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёлдир. Тиббиёт соҳасидаги илмий ҳодимларнинг қарийб 53 фоизини аёллар ташкил этади. Шундай экан, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирокисиз ҳал этиш мушкул.

Мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизмати соғлиқни сақлаш тизимининг ажралмас қисмидир. Ўзбекистоннинг демографик тузилмаси хусусияти шундайки, аёллар ва болалар мамлакат аҳолисининг кўпчилик қисmini ташкил этади. Никох ёшидаги йилит-қизларни ҳам ҳисобга олсак, аҳолининг 2/3 қисмига тиббий ёрдам кўрсатувчи тизимни назарда тутган бўламиз. Тармоқнинг қонунчилик ва меъёрий базаси – бу авваламбор, қабул қилинган 14 қонун, ЎзР Президентининг 20 та фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматимизнинг 100 дан ортиқ қарорлари орасида аёллар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган ҳўжатлар алоҳида ўрин эгаллаган. Агар эътибор берсангиз Ўзбекистон қўшилган ilk халқаро келишув–мамлакат парламенти томонидан 1992 йил 9 декабрда “Бола ҳуқуқлари ҳақида”ги Конвенция бўлган. Ёш мустақил давлатнинг биринчи ордени эса 1993 йилда таъсис этилган “Соғлом авлод учун” ордени эди.

Замонавий соғлиқни сақлаш тизимини шакллантиришда, асосий мақсад “Соғлом она-соғлом бола” мақсадига эришишга қаратилган вазифаларни изчил ва тизимли ҳал қилган ҳолда оналар ва болалар саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Мустақиллик даврида бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида ҳаттоки олис қишлоқларда ҳам малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Ҳозирги кунда замонавий тиббий ускуналар билан таъминланган 3200 яқин ҚВГЛар аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозирги вақтда на фақат шаҳарларда, балки, мамлакатимизнинг олис бурчакларида ҳам энг замонавий даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозланган туғруқхона мажмуалари ва болалар муассасалари тармоғи яратилган. Оналар ва чақалоқларга ихтисослашган юқори технологик ёрдам Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази ва унинг 4 та минтақавий филиали, шунингдек республика ва 10 минтақавий перинатал марказлари томонидан ёрдам кўрсатилмоқда. Болаларга Республика педиатрия илмий-текшириш тиббий маркази ва унинг 13 та минтақавий болалар кўп ихтисосли тиббий марказлари ташкил этилган.

Болаларнинг касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини камайтиришнинг энг муҳим масалаларидан бири – ногирон болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида туғма ва наслий касалликларни эрта аниқлашдир. Ушбу мақсадда 1998 йилдан бери мамлакатимизда “Она ва бола скрининги” давлат дастури амал қилмоқда. Ҳомиладор аёлларнинг 30% и, хавф гуруҳига кирувчи аёлларнинг деярли 100% скрининг кўригидан ўтказилади. Ҳар йили 2 мингдан ортиқ туғма ва наслий касал болалар туғилишининг олди олинади. Масалан 2000 йилда туғма нуқсонлар билан болалар туғилиш кўрсаткичи 100 та тирик туғилган болага қарийб 5 га тенг бўлган бўлса,

2015 йилга келиб бу кўрсаткич 2,4 ни ташкил қилди, камайиш динамикаси 1,7 мартага тенг. Ўзбекистонда аҳоли ўртасида СТТ шакллантириш ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор кўрсатилмоқда. Ёшлар ўртасида спорт ҳаракати кенг қулоч ёйган. 6 дан 15 ёшгача бўлган 2 миллиондан ортиқ ўқувчилар спорт ва жисмоний соғломлаштириш билан шуғулланади. “Умид ниҳоллари, “Баркамол авлод”, “Универсиада” уйинлари кенг оммалашди.

Инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши туғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва सबзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган катта ишлар самараси ўлароқ – аёллар ва болалар саломатлиги кўрсаткичлари сезиларли яхшиланди, оналар ва болалар ўлимидан 3 баравардан зиёд камайишга олиб келди, Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган.

Қадрли опа-сингиллар! Ҳар бир Аёлнинг нияти битта, у ҳам бўлса юртининг тинчлиги, оиласининг фаровонлиги. Ҳар бир аёлнинг орзуси ягона – у ҳам бўлса фарзандларининг камолини кўриш. Азиз ва муҳтарама аёллар, гўзал ва дилбар опа-сингиллар! Сизларнинг барчангизни ТТА ХҚҚ номидан кириб келаётган қўш байрам – 8-март хотин-қизлар куни ҳамда янгиланиш даври – Наврўзи олам билан чин юракдан табриқлаймиз. СИЗ ва сизнинг тимсолингизда оила аъзоларингизга соғлиқ, хотиржамлик, иш ва ўқишларингизга ривож тилаймиз.

Лола АБДУҚОДИРОВА,
Тошкент Тиббиёт академияси
Хотин-қизлар кўмитаси
бошланғич ташкилоти раиси



ФАРМОН ВА ИЖРО

ПЕДАГОГ КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Биз Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида ўрнатилган янги талабларга қўра ташкил этилган курсларда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида терапия, хирургия, олий маълумотли ҳамшира, педиатрия, тиббий биология йўналишлари бўйича 141 нафар тинловчилар тахсил олди.

Курслар якунида мониторинг, кириш ва чиқиш тест натижаларида, профессор-ўқитувчиларнинг билим даражаси сезиларли ошгани маълум бўлди. Биз тармоқ марказида фармон ижросини қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими тизимига тадбиқ қилишда тармоқ маркази раҳбари тиббиёт фанлари доктори Умида Алишеровна Ташкенбаева раҳбарлиги остида эришилган бир қатор ижобий натижаларнинг гувоҳи бўлди. Бизларга тармоқ марказида катта билим ва маҳоратга эга бўлган мутахассислар сабоқ бердилар. Халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш асосида тармоқ маркази томонидан ташкил қилинган Жанубий Корея, Германия, Япония, АҚШ давлатлари мутахассислари иштирокидаги Халқаро конференция айниқса биз тинловчиларда катта таассурот қолдирди. Тармоқ малака ошириш курслари тингловчиларининг қуйидаги мулоҳазалари фикримизни яққол исботлайди.

Андижон Давлат Тиббиёт институти “Терапия” йўналиши тингловчиси доцент М.К. Қаландаров:

— Биз тингловчилар орасида ёш педагоглар билан бир қаторда тажрибали 20-30, ҳаттоки 40-50 йиллик педагогик тажрибага эга тиббий педагоглар бор. Ўқув режада белгиланган бир неча модуллар бўйича малакаларимизни ошириб тармоқ марказининг бир қатор педагогларига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамыз, жумладан: профессор Дўсмурот Ташпулатович Норқулов, профессор Барно Турдиходжаевна Холматова, доцент Гулнора

Суннатовна Агзамова, катта ўқитувчилар Лайло Тўхтасиновна Ҳидоятлова, Гулчехра Шариповна Ҳазратоваларга ҳуқур миннатдорчилигимизни изҳор қилмоқчимиз. Юқорида қайд этилган педагоглар малака ошириш курсларида машғулотларни сифат жиҳатидан юқори ташкилий ва профессионал даражада ташкил қилиб, тингловчиларнинг ҳуқур ҳурмат-эътиборига сазовор бўлдилар. Тармоқ марказида Президент фармонининг ижросини таъминлаган ҳолда, ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ва моддий-техник базаси шакллантирилган. Тармоқ маркази ўзининг интернет сайтига эга бўлиб, тингловчилар учун барча ўқув модуллари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-услубий мажмуалари, ўқув қўлланмалари, тақдирот слайдлари жойлаштирилган ва биз улардан унумли фойдаландик.

Марказда иккита компьютер синфи мавжуд бўлиб, улар ноутбуклар ва стационар компьютерлар билан таъминланган ва улар интернет тармоғига уланган. Марказда WI-FI майдони мавжуд.

Инглиз тили хонаси лингфон тизими билан жиҳозланган ва бу шартшароитлардан биз унумли фойдаланиб билимларимизни янада такомиллаштирдик. Тингловчилар ва тармоқ маркази профессор-ўқитувчиларининг ўзаро муносабатларида мажбурий итоаткорлик эмас, балки онгли интизомни таълим тизимига жорий этилганлиги эътиборга лойиқ.

Андижон Давлат Тиббиёт институти профессори Б. Жўрабаев:

— Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида профессор-ўқитувчиларнинг таълим жараёни, ўзи ўқитадиган фанга бўлган креатив, яъни ижодий муносабати ошмоқда, янги педагогик технологиялардан бохабар бўлмоқдалар. Натижада ўз билимини янада такомиллаштириб, муттасил ўз устида ишлаб, замон билан ҳамнафас бўлмоқда.

Андижон Давлат Тиббиёт институти профессори Қ. К. Солиев:

— Ўқитишнинг самарали методлари, замонавий педагогик технологиялар, интерфаол усуллардан кенг фойдаланган машғулотлар бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса тармоқ маркази катта ўқитувчиси Лайло Тўхтасиновна Ҳидоятлова томонидан ташкил этилган инновацион таълим технологиялари ва педагогик маҳорат модулидан ташкил қилинган маъруза ва амалий машғулотлар эътиборга лойиқ. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросларидан фойдаланган ҳолда, миллий менталитетимизга хос қадриятларни таълим мазмунига сингдириб ташкил қилинган маърузалар педагогик тажрибаларимизни янада бойитди.

Бу машғулотлардан ўзлаштирилган билимлар тингловчиларнинг касб маҳорати, педагогик ва илмий салоҳиятларини такомиллаштиришлари яқиндан ёрдам берди.

Хулоса қилиб айтганда, тиббий-педагоглар касбий тайёрлашнинг гуманистик йўналиши ўз ичига тарбиявий жараёни ташкил этишдан ташқари тиббиёт фанининг энг сўнгги ютуқларига таянган ҳолда, махсус касбий кўникма ва малакаларни ҳам ўзлаштирдилар.

Катта ҳурмат ва эҳтиром билан
Ўтамурут ХУЖМАНОВ,
ТТА ҳузуридаги Ҳарбий – тиббиёт
факультети Ҳарбий дала терапия
кафедра бошлиғи, тиббиёт хизмати
полковниги

